

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Ваҳабова Нодира Козимовна -**

*Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Акционерлик жамиятларининг инвестицион фаолияти самараадорлигини ошириши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ошириш, акционерлик жамиятларидағи инвестицион дастурни шакллантириши стратегиясини амалга ошириши жараёнига таъсир этувчи омиллар ва уларни ривожлантириш имкониятлари, акционерлик жамиятлари инвестицион фаолияти самараадорлигини оширишининг асосий кўрсаткичлари ҳамда кўллаб-куватлаш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** акционерлик жамиятлари, инвестиция, молия; харажат; назорат; оптималлаштириш; давлат; иқтисодиёт; самараадорлик; тизим.

**НАПРАВЛЕНИЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ  
ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**Ваҳабова Нодира Козимовна -**

*Независимый исследователь  
Ташкентского финансового института*

**Аннотация:** Увеличение объемов выпускаемой акционерными обществами продукции для повышения эффективности инвестиционной деятельности, факторы, влияющие на процесс реализации стратегии формирования акционерных обществ в сфере инвестиционной деятельности, возможности развития акционерных обществ.

**Ключевые слова:** Акционерные общества, инвестиции, финансы; Стоимость; контроль; оптимизация; государственный; экономия; эффективность; система.

**JOINT STOCK COMPANIES DIRECTIONS TO INCREASE THE EFFICIENCY  
OF INVESTMENT ACTIVITIES**

**Vahabova Nodira Kozimovna -**

*Independent researcher at the Tashkent Financial Institute*

**Abstract:** Increasing the volume of products produced by joint-stock companies to increase the efficiency of investment activities, factors influencing the process of implementation of the strategy of formation of joint-stock companies in the field of investment activities, opportunities for development of joint-stock companies.

**Key words:** Joint stock companies, investment, finance; cost; control; optimization; state; economy; efficiency; system.

**Кириш.** Бугунги кунда амалга оширилаётган инвестицион фаолият иқтисодиётнинг барча секторларида фаолликни ошириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Бу фаолият табиий равишда, иқтисодиётда инвестицияларнинг ҳажми ва миқдорининг қўпайишини талаб қиласди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг реал секторларида сарфланадиган маблағларнинг аксарият қисмини инвестициялар ташкил этади. Бу ҳолат инвестицияларнинг фақат фойда олиш учун эмас, балки ижтимоий барқарорликни таъминлаш, шунингдек иқтисодиётнинг ўсиши учун ҳам зарурдир. Аммо, ҳозирги кунда акционерлик жамиятларида мавжуд инвестицион фаолиятнинг самараадорлигини ошириш борасида бажарилган илмий изланишлар етарлича эмас, тармоқларнинг имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланилмаяпти. Республиканинг инвестиция салоҳиятини ошириш, иқтисодиётнинг устувор соҳа ва тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция киритиш жараёнининг рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини таъминлаш ҳам-

да 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш инвестицион фаолият тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари сифатида қайд этилмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Инвестицион фаолият бўйича кўплаб олимлар тадқиқот олиб борган бўлиб, жумладан рус олими К.П.Янковский, К.В.Павлов, Б.А.Аксеновлар [б. 64, б 102, б 46.] инвестицион фаолият самараадорлигини турли тармоқлар ва акционерлик жамиятлари мисолида чуқур тадқиқ қиласди ва инвестицион фаолият нима эканлигини ифодаловчи илмий таърифлар ишлаб чиқсан.

Махаллий олимлардан Т.У.Қодиров, А.А.Гулямовларнинг илмий ишларида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖининг солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларни, воситаларни импорт қилишдаги енгилликларни, тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

ихтисослашган ўкув юртлари фаолиятини янада жонлантиришни режалаштириш лозимлиги таъкидланган.

**Таҳлил ва натижалар.** Инвестицион фаолият тушинасига турли ёндошувлар мавжуд бўлиб, олимлар бу борада илмий ишларида баён этишган. Мисол учун К.П.Янковский таърифига кўра «Инвестицион фаолият - бу хомашё ва материаллар учун харажатларни қисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳажмларига эҳтиёжларни камайтириш, энергия истеъмолини, меҳнат ва молиявий ресурсларни яъни фонд харажатларни қисқартириш» [б. 64.] - деб келтириб ўтган. К.В.Павлов, Б.А.Аксеновларнинг тадқиқотларида: «...ресурслардан экстенсив фойдаланиш иқтисодий самаранинг пропорционал ўсишига олиб келса, ресурслардан интенсив фойдаланиш самаранинг ўсишига олиб келади» [б. 69.] - дея фикр билдирган.

Иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори М.С. Сайдкамоловнинг фикрича «инвестицион фаолият» [2018. №1..] - бу ахборотлаштириш ва рақамлаштириш шароитида замонавий техника ва инновацион технологияга йўналтирилган ҳамда юқори самара берадиган молиялаштириш ва капитал қўйилмалар билан боғлиқ жадалаштирилган жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча «инвестицион фаолият» - бу замонавий иқтисодиётда техника ва

инновацион технологияга йўналтирилган ҳамда юқори самара берадиган молиявий-иктисодий жараёнлар билан боғлиқ жадаллаштирилган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Инвестицион фаолият албатта акционерлик жамиятларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун олиб борилади. Самарадорликни ошириш учун турли хил механизмлар жорий этилади. Бундан мақсад, хомашё сарфини камайтириш ва ундан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳсус катта ҳажмдаги обьектларга бўлган эҳтиёжнинг ҳамда энергия сарфини, шунингдек, меҳнат ва молиявий ресурсларга бўлган талабни камайтиришдан ва имкониятларни тўлақонли ишлатиш натижасида сарфларни камайтирган ҳолда оптимал манфаатдорликка эришишдан иборат.

Акционерлик жамиятларида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини оширишда куйидаги ҳолатлар муҳим ўрин тутади:

1. Инвестицияларни замонавий техника ва технологияларни жорий этишга йўналтириш
2. Инвесторларга онлайн тарзда тезкор шаффоф маълумотларни тақдим этиш.
3. Молиявий механизмлар орқали инвестицион фаолликни рағбатлантириш.
4. Қонунчилик базасини такомиллаштириш.

Кўрсаткичлар номи	
1	Инвестициялар рентабеллиги
2	Инвестицияларнинг қопланиш муддати
3	Қўшимча молиялаштиришга эҳтиёж
4	Праворд натижада интеграл самара

**1-расм. Акционерлик жамиятларида инвестициялар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар**

**Манба:** Муаллиф томонидан умумлаштирилди.

Акционерлик жамиятларида инвестициялар самарадорлигини киритилаётган ҳар бир

инвестициянинг қўшимча даромад келтираёт-ганлиги билан изоҳланади.

### 1-жадвал

#### Иқтисодиёт тармоқлари кесимида киритилган инвестициялар динамикаси ва таркиби, (%), фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар										
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	28,4	30,4	33,8	34,2	34,2	37,4	40,9	39,3	46,7	47,6	38,8
Қишлоқ ҳўжалиги	3,1	3,5	5,2	4,8	4,6	4,1	3,3	3,4	3,5	3,3	8
Курилиш	2,8	1,4	1,8	1,2	1,5	2,3	2,5	1,9	2,1	2,3	2,8
Транспорт	15,6	25,7	15,9	14,9	15,2	11,9	9	12	9,3	7,4	6
Алоқа	3,7	4	4,3	2,9	2,7	2,2	2,2	2,3	2,8	0,9	1,7
Савдо ва овқатланиш	2,7	8,7	4,4	4,5	5,2	5,6	5,5	5,1	4,5	5	3,1
Уй-жой қурилиши ва коммунал ҳўжалиги	22,4	13,9	20,2	21,7	23,2	22,7	24	22,9	17,6	18,9	23,2
Соғлиқни сақлаш	2,3	1,7	2,5	4	3,1	2,8	2,5	2,4	2,3	2,5	2,6
Таълим	8,1	2,1	2,3	2,8	2,6	2,3	2,3	2,8	2,2	2,6	2,6
Бошқалар	10,9	8,6	9,6	9	7,7	8,7	7,8	7,9	9	9,5	11,2

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-жадвалдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган инвестицияларнинг ҳажмини таҳлил этадиган бўлсақ, сўнгги йилларда сезиларли дараҷада ўсиш кузатилмоқда. 2019 йилда жами 189924,3 млрд. сўм инвестиция мамлакатимизга жалб қилинган. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 1,5 баробардан ҳам кўпроқдир. Жалб қилинган инвестицияларнинг энг катта ҳажми саноат тармоғини ривожлантиришга қаратилган. Лекин бу кўрсаткич ҳам ўз навбатида 2019 йилда жами инвестицияларнинг 38,8%ни ташкил этган бўлса ҳам жами жалб қилинган инвестицияларнинг

ҳажми камаймаган, балки уларнинг таркибий жойлашуви қисқарган холос.

Шу билан бир қаторда тижорат банклари нинг ушбу соҳаларга инвестиция киритиш ҳажми сўнгги йилларда аста секинлик билан ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобига киритилаётган инвестициялар ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Бу еса Ўзбекистонда акционерлик жамиятлари инвестицион фаолигини оширишга хизмат қиласди.

Инвестицияларни жалб қилиш усуллари турлича бўлиб, улар:

Инвестицияларни жалб қилиш усуллари	
1	Ўз-ўзини молиялаштириш
2	Акционерлик жамиятларида инвестицияларни жалб қилиш
3	Кредит орқали
4	Облигацияларни чиқариш
5	Лизинг
6	Лойиҳавий молиялаштириш
7	Бюджетдан молиялаштириш ва бошқалар

### 2-расм. Акционерлик жамиятларида инвестицияларни жалб қилиш усуллари

Акционерлик жамиятларида инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиши зарур ҳисобланади. Бунда биринчи босқичнинг амалга оширилиши инвестицион режалаштириш тизимига киритилган бўлади. Иккинчи босқич доирасида инвестицион ва молиявий фаолиятнинг мақсадли стратегик меъёрлари тизимини шакллантириш лозим. Учинчи босқичда инвестицион ресурсларнинг танлови ва уларга эҳтиёжни аниқлашдан иборат. Тўртинчи якунловчи босқичда ишлаб чиқилган инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини амалга оширишини таъминлаш ва унинг назоратини ташкил этиши билан бир қаторда режалаштирилган стратегикchora-tadbirlar ва қарорларни ишлаб чиқариш орқали амалга оширилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Акционерлик жамиятлари инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича қўйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин.

1. Акционерлик жамиятларида инвестицион фаолиятнинг меъёрий-хуқуқий асослари ни таҳлил қилиш ва инвестицион фаолиятни амалга оширишдаги ўйналишлар аниқ ва лўнда қилиб очиб берилиши зарур.

2. Мавжуд муаммолар ва фаолиятни тақомиллаштириш билан боғлиқ тақлифлар фаолият юритаётган акционерлик жамиятлари ва мутахассислар қоловерса аҳоли ўртасида бўлиб ўтган сўравномалардан шакллантириши лозим.

3. Акционерлик жамиятларига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми ва манбалари, уларнинг таҳлили натижасида инвестицион барқарорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари жорий қилиниши керак.

4. Жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш борасида тизимли умумлашган тизим шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар

1. К.П.Янковский "Инвестиции" Учебник. – СПб.: Питер, 2008. – 64 с.

2. К.В.Павлов. "Инвестиции и инновации интенсивного и экстенсивного типа: макроэкономический подход" Вісник економічної науки України 2009/№2 стр.102.; Б.А.Аксенов Управление инвестиционной деятельностью железнодорожного транспорта с использованием проектного финансирования. Диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Москва, 2007.- 46 с.

3. К.П.Янковский "Инвестиции" Учебник. – СПб.: Питер, 2008. – 64 с. Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизмлари. Иқтисод фанлари номзодишилмий дараҷасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008, 69-б.; А.А.Гуламов Анализ способов оценки эффективности инвестиций в железнодорожный транспорт на примере АО «Узбекистон Темир Йуллари»//Экономика и менеджмент инновационных технологий. 2018. №1. <http://ekonomika.sciencedirect.com/2018/01/15709>

4. К.П.Янковский "Инвестиции" Учебник. – СПб.: Питер, 2008. – 64 с.

4. К.В.Павлов. "Инвестиции и инновации интенсивного и экстенсивного типа: макроэкономический подход" Вісник економічної науки України 2009/№2 стр.102.; Б.А.Аксенов Управление инвестиционной деятельностью железнодорожного транспорта с использованием проектного финансирования. Диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Москва, 2007.- 46 с.

5. Саиткамолов М.С. ўзбекистон республикаси темир йўл тармоғида инвестицион фаолият самарадорларни ошириш. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори илмий дараҷасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2021, 10-б.